

4-10-2019

FOREIGN EXPERIENCE OF PROVIDING SERVICES IN EXTERNALTRADE ACTIVITY OF COMMERCIAL BANKS

F.X Akhmedov

Tashkent State University of Economics Uzbekistan, 100066, Tashkent, Islom Karimov street, 49,
f.axmedov@tsue.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Akhmedov, F.X (2019) "FOREIGN EXPERIENCE OF PROVIDING SERVICES IN EXTERNALTRADE ACTIVITY OF COMMERCIAL BANKS," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 3 , Article 41.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss3/41>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

FOREIGN EXPERIENCE OF PROVIDING SERVICES IN EXTERNAL TRADE ACTIVITY OF COMMERCIAL BANKS

Akhmedov Farrux Xurshidovich¹

¹Deputy Dean of the Faculty of Corporate Governance of Tashkent State University
of Economics (PhD)

Uzbekistan, 100066, Tashkent, Islom Karimov street, 49

E-mail: f.axmedov@tsue.uz

Abstract: *This article discusses the scientific and theoretical aspects of foreign trade operations of commercial banks. It also analyzed the practices of foreign trade services of banks in developed countries and established the relevant findings and the possibility of their use in commercial banks of Uzbekistan.*

Keywords: *commercial banks, foreign trade, currency options, derivatives, letters of credit, currency futures, credit services.*

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТАШҚИ САВДОГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ АМАЛИЁТИНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Ахмедов Фаррух Хуршидович¹

¹Тошкент давлат иқтисодиёт университети Корпоратив бошқарув факультети
декани муовини (PhD)

Ўзбекистон, 100066, Тошкент шаҳар, Ислоом Каримов кўчаси, 49

E-mail: f.axmedov@tsue.uz

Аннотация: *Ушбу мақолада тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётининг илмий-назарий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, ривожланган давлатлар банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиёти таҳлил қилинган ва тегишли хулосалар шакллантирилган ҳамда улардан Ўзбекистон тижорат банклари амалиётига фойдаланиш имкониятлари асосланган.*

Калит сўзлар: *тижорат банки, ташқи савдо, валюта опционлари, дериватив хизматлар, аккредитив, валюта фьючерслари, кредитлаш хизмати.*

Кириш

Ташқи савдони ривожлантириш мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Ташқи савдони ривожлантириш эса, бевосита тижорат банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётига боғлиқ.

Шу сабабли, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортининг ўрнини босиш, экспорт таркиби ва географиясини кенгайтириш макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишнинг зарур шартларидан бири сифатида эътироф этилди [1]. Бу эса, мамлакатимиз тижорат банкларини ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб такомиллаштиришни тақозо этади.

Ҳозирги кунда тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари томонидан ташқи савдога кредит, ҳисоб-китоб ва кафолат хизматлари кўрсатиш кенг тарқалган. Бироқ, жаҳон иқтисодиётида юз бераётган молиявий глобаллашув шароитида банкларнинг ташқи савдога хизматларини такомиллаштириш борасида АҚШ доллари ва бошқа етакчи валюталарда маблағлар жалб қилиш қимматлашаётган бир пайтда, тижорат банкларининг ташқи савдони кредитлаш имкониятларини ошириш, банклар томонидан ташқи савдони молиялаштириш мақсадларига бериладиган кредитлар баҳосининг ошишини тартибга солиш жараёнлари ва доллардаги баланслашмаган ликвидлилик муаммоси чуқурлашишига йўл қўймаслик чораларини кучайтириш, етакчи хорижий валюталар номинал алмашув курсларининг тебраниш диапазонлари кенглиги туфайли экспортчиларнинг экспорт тушуми қиймати пасаётганлиги каби йўналишдаги илмий муаммоларни ҳал этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўз навбатида, ташқи савдони янада ривожлантириш экспортчи ва импортчи корхоналар фаолиятини молиялаштириш ва узлуксизлигини таъминлаш заруратини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тижорат банкларининг ташқи савдога хизматлар кўрсатиш амалиётини ташкил қилиш ва такомиллаштириш масаласи иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган ҳамда тегишли илмий-назарий хулосалар шакллантирилган, илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ж. Кейнснинг ёндашувига кўра [2], валюта фьючерси бозорини беқарор валюта курси ҳукм сураётган мамлакатларда ташкил этиш лозим. Валюталарнинг беқарор бўлишида, энг аввало, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий тадбирларга ишончнинг йўқлигидадир.

Профессор Л.Красавинанинг фикрига кўра [3], халқаро амалиётда валюта опционларининг икки стандарти мавжуд бўлиб, ушбу стандартлар риск даражасига кўра бир-биридан кескин фарқланади. Валюта опционларининг биринчи стандарти европа стандарти деб аталади ва бу опционлар ўз эгасига фақат шартнома муддати тугагандан сўнг опциондан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Валюта опционларининг иккинчи стандарти эса, америка стандарти дейилади ва мазкур опционлар ўз эгасига опцион шартномаси муддатининг исталган вақтида опциондан фойдаланиш ҳуқуқини беради. Демак, валюта опционларининг америка стандартида риск даражаси европа стандартига нисбатан юқори ҳисобланади.

Л. Красавинанинг мазкур хулосаси Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирга қадар республикамиз банк амалиётида валюта опционлари ва валюта фьючерслари билан амалга ошириладиган операциялар мавжуд эмас.

К.Чекмаревнинг тадқиқот натижаларига кўра [4], муддатли валюта бозорининг инструментлари молиявий рискларни бошқариш тизимида муҳим ўрин тутуди ва XX асрнинг 90-йилларнинг охири 2000-йилларнинг бошида дериватив инструментлари бозорининг юқори суръатларда ривожланишининг қуйидаги сабабларини асослаб берди:

– дериватив инструментлари диапазонининг сезиларли даражада кенгайганлиги;

– кредит деривативлари ва қарз мажбуриятлари билан таъминланган ҳосилавий қимматли қоғозлар каби истиқболли янги маҳсулотлар савдоси ҳажмининг ошганлиги;

– деривативлардан информатсион, суғуртавий ва бошқа рискларни бошқаришда фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги;

– муддатли валюта бозорларига чакана инвесторларнинг кириб келишининг бошланганлиги;

– акциядорлик капитални бошқаришни такомиллаштириш заруриятини юзага келганлиги;

– деривативлар бозорининг юқори даражада тўпланиши (операцияларнинг асосий қисмини 10-12 дилер қўлида тўпланиб қолиши);

– деривативлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг даромадлилик даражасининг ошиб борганлиги.

Фикримизча, К.Чекмаревнинг хулосалари Ўзбекистонда муддатли валюта битимлари бозорини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

А.Глориозов ва Д.Михайловлар амалга оширган таҳлилларнинг натижалари кўрсатдики [5], ташқи савдода мавжуд бўлган иқтисодий рискларнинг асосий турлари қуйидагилардир:

- тижорат рисклари;
- ишлаб чиқариш рисклари;
- операцион рисклар;
- икки томонлама ҳамкорлик rischi;
- имзо rischi;
- кредит rischi;
- валюта rischi;
- дефолт rischi;
- ўтказма rischi;
- молиявий рисклар;
- юридик рисклар.

Аммо, муаллифлар фоиз рискнинг мавжудлигига эътибор қаратмаганлар. Ҳолбуки, ташқи савдони банклар томонидан кредитлашда фоиз rischi асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чунки, тижорат банклари ташқи савдони кредитлашда ҳар доим сузувчи ставкада кредит беришга, мижозлар эса, ҳар доим қатъий белгиланган ставкада кредит олишга ҳаракат қилишади. Бунинг сабаби шундаки, кредит сузувчи ставкада берилганда, кредитнинг бозор баҳосини ўзгартиришдан қатъий назар, банк оладиган даромад ўзгармасдан қолади.

А.Смирновнинг хулосасига кўра [6], тижорат банкларининг экспортни кредитлаш амалиёти давлат томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши керак. Бунда молиявий қўллаб-қувватлашнинг экспорт кредитларини давлат томонидан кафолатлаш ва фоиз ставкаларини бонификация қилиш шакллари билан фойдаланиш лозим.

А.Смирновнинг ушбу хулосаси Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки, биринчидан, мамлакатимизда банкларнинг экспорт кредитини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш амалиёти мавжуд эмас; иккинчидан,

қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш жараёни Ўзагроэкспортбанк томонидан кредитланади.

Тадқиқот методологияси

Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларидадан фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг банклар фаолиятининг долзарб масалаларидан бири сифатида тижорат банкларнинг ташқи савдога хизмат кўрсатиши билан боғлиқ бўлган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

Шунингдек, трендли таҳлил даври 6 йилни (2012-2017 йй.) қамраб олганлиги сабабли Barclays bank (Буюк Британия) ва Bank of America (АҚШ) банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиёти тенденциялари аниқланган.

Таҳлил ва натижалар

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиёти такомиллашган бўлиб, тижорат банклари томонидан ташқи савдога кўрсатиладиган анъанавий хизмат турларидан бири кредитлаш хизмати ҳисобланади. Шуниси характерлики, тараққий этган мамлакатларда кредитлар тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди.

1-жадвал

Barclays bank (Буюк Британия) активларининг таркиби, %

Активлар таркиби	Активнинг жами активлардаги улуши, %	
	2016	2017
Нақд пуллар ва Марказий банкдаги пул маблағлари	8,4	15,1
Бошқа банклардаги пул маблағлари	0,1	0,2
Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар	46,7	46,5
Берилган кредитлар	35,9	35,4
Асосий воситалар ва номоддий активлар	5,9	0,1
Бошқа активлар	3,0	2,7
Активлар –жами	100,0	100,0


Манба: Barclays PLS. Annual Report 2017 (www.barclays.com) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

1-жадвал маълумотларига кўра, Barclays bank активларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ва кредитлар асосий салмоқни эгаллайди. Ушбу икки активнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғи, 2016 йилда 82,6 фоизни, 2017 йилда эса 81,9 фоизни ташкил этди.

Ташқи савдони молиялаштириш мақсадига берилган кредитлар ҳам Barclays bank кредитларининг умумий ҳажмида юқори салмоқни эгаллайди (1-расм).

1-расм маълумотларига кўра, ташқи савдони кредитлашнинг Barclays bank кредитлаш фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканлигидан далолат беради.

Тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари томонидан ташқи савдога кўрсатиладиган анъанавий хизмат турларидан яна бири бўлиб, ҳисоб-китоб хизмати ҳисобланади.



1-расм. Barclays bank (Буюк Британия) кредитларининг умумий ҳажмида ташқи савдони молиялаштириш мақсадида берилган кредитларнинг салмоғи, фоизда

Манба: Barclays PLS. Annual Report (www.barclays.com) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.

АҚШ банкларида ташқи савдога ҳужжатлаштирилган аккредитив орқали ҳисобкитоб хизмати кўрсатиш амалиёти такомиллашган бўлиб, банклар томонидан очилаётган аккредитивлар ҳажмида стэнд-бай аккредитивлари юқори салмоқни эгаллайди.

Стэнд-бай аккредитивларининг бошқа аккредитивлардан фарқ қиладиган асосий жиҳати шундаки, ушбу аккредитивларда тижорат банки тўлов юзасидан фақат тўловчи тўловга ноқобил бўлиб қолгандагина жавобгар ҳисобланади.

2-жадвал

Bank of America (АҚШ) банки томонидан очилган аккредитивлар миқдори ва уларнинг ҳажмида стэнд-бай аккредитивларининг салмоғи

Кўрсаткичлар	Йиллар						2017 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши
	2012	2013	2014	2015	2016	2017	
Банк томонидан очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар, млн доллар	28674	30198	33550	34961	32074	33607	117,2%
Жами ҳужжатлаштирилган аккредитивлар ҳажмида стэнд-бай аккредитивларнинг салмоғи, %	87,6	89,3	94,3	95,1	90,6	92,4	4,8 ф.п.

Манба: Жадвал муаллиф томонидан www.bankofamerica.com сайт маълумотлари асосида шакллантирилган.

2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2012-2017 йилларда Bank of America банки томонидан очилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида стэнд-бай аккредитивларининг салмоғи жуда юқори бўлган. Бу эса, АҚШ банклари учун стэнд-бай аккредитивнинг асосий аккредитив тури эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, 2017 йилда 2012 йилга нисбатан Bank of America банки томонидан очилган аккредитивларнинг суммасини ва ушбу аккредитивлар ҳажмида стэнд-бай аккредитивларнинг салмоғини ошиши кузатилган.

Хўжжаштирилган аккредитивларда тўловнинг тўлиқ кафолатланганлиги халқаро ҳисоб-китобларнинг ушбу шаклини импортчи корхоналар учун жозибдорлигини оширади. Тижорат банклари эса, ҳужжатлаштирилган аккредитив очганликлари учун юқори ставкада комисион даромад оладилар.

Тижорат банклари томонидан ташқи савдога кўрсатиладиган хизматларнинг кенг тарқалган турлари бўлиб, форвард хизмати, валютавий своп ва валюта опционлари бўйича кўрсатиладиган хизматлар ҳисобланади.

3-жадвал

Barclays bank (Буюк Британия) томонидан ташқи савдо субъектларига кўрсатилган дериватив хизматлари таркиби,

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Форвард хизматининг дериватив хизматлари ҳажмидаги улуши, %	43,3	42,9	42,9	32,2	41,1	40,7
Валютавий своп хизматининг дериватив хизматлари ҳажмидаги улуши, %	47,3	45,6	43,3	56,1	50,8	51,1
Валюта опционлари бўйича хизматларнинг дериватив хизматлари ҳажмидаги улуши, %	9,4	11,5	13,8	11,7	8,1	8,2

Манба: жадвал www.barclays.com сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Barclays bank томонидан ташқи савдо субъектларига кўрсатилган дериватив хизматларининг умумий ҳажмида валютавий своп ва форвард хизматлари юқори салмоқни эгаллайди. Валюта опционлари эса, дериватив хизматлари ҳажмида кичик салмоққа эга. Бу эса, биринчидан, форвард ва валютавий своп хизматлари билан боғлиқ бўлган чиқимларнинг камлиги, иккинчидан, валюта опционларининг мижоз учун қиммат хизмат тури эканлиги билан изоҳланади.

Хулоса ва таклифлар

Тараққий этган мамлакатлар банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини таҳлил қилиш натижаларидан қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

– ташқи савдони молиялаштириш мақсадига берилган кредитларни Barclays bank кредитларининг умумий ҳажмида юқори салмоқни эгаллаши ташқи савдони кредитлашнинг Barclays bank кредитлаш фаолиятининг устувор йўналишларидан бири эканлигидан далолат беради;

– 2012-2017 йилларда Bank of America банки томонидан очилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида стэнд-бай аккредитивларининг салмоғини юқори бўлганлиги АҚШ банклари учун стэнд-бай аккредитивнинг асосий аккредитив тури эканлигидан далолат беради;

– Barclays bank томонидан ташқи савдо субъектларига 2012-2017 йилларда кўрсатилган дериватив хизматларининг умумий ҳажмида валютавий своп ва форвард хизматларини юқори салмоқни эгаллаганлиги, валюта опционлари салмоғини эса

кичик эканлиги форвард ва валютавий своп хизматлари билан боғлиқ бўлган чиқимларнинг камлиги ва валюта опционларининг мижоз учун қиммат хизмат тури эканлиги билан изоҳланади.

Тараққий этган мамлакатлар банклари амалиётидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз тижорат банклари ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- валюта бозори инструментларидан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида, биринчидан, валюта опционлари ва валюта фьючерслари муомаласининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратиш лозим; иккинчидан, валютавий своплардан фойдаланиш борасидаги чекловларни бекор қилиш керак;

- импортёрларнинг импорт тўловларини тижорат банкларини овердрафт кредитлари ҳисобидан молиялаштириш ва овердрафт кредитлари бўйича қарздорликни кейинги ойга ўтишига йўл қўймаслик лозим;

- Ривожланган мамлакатлар банкларининг ташқи савдога хизмат кўрсатиш амалиётида кенг қўлланилаётган аккредитивнинг стэнд-бай турини Ўзбекистон тижорат банклари фаолиятида жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бу импортчиларнинг ҳисобрақамларидаги валюта маблағларидан самарали фойдаланишига ижобий таъсир кўрсатади.

References

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli farmoni. O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. – Toshkent, 2017. – № 6 (766). – 32-33-b.
2. Keynes Dj. M. Traktat o denejnoj refome. Per s angl. -M.: Delo, 1993. – S. 162
3. Krasavina L.N. Mejdunarodniye valyutno-kreditniye otnosheniya. – M. FiS, 2013. – S. 173-176.
4. СНекмарев К.С. Instrumentiy srochnogo riyinka i upravlenie finansoviyami riskami//Bankovskoe delo. – Moskva: 2007. – №8. – S. 39-40.
5. Gloriovov A.G., Mixaylov D.M. Vneshnetorgovoe finansirovanie i garantiyaniy biznes. – M.: YUrayt, 2011. – S.205-206.
6. Smirnov A.L. Texnologii eksportnogo finansirovaniya // Bankovskoe delo. –Moskva, 2012. –№4. –S. 60-61.
7. Barclays PLS. Annual Report (www.barckays.com) ma’lumotlari.
8. www.bankofamerica.com – sayt ma’lumotlari.